

Ўзбекистон Республикаси
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 180100, И.Каримов кўчаси-212, тел. +99875-221-00-59

«MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖнинг
2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботларига

**ИЗОХЛАР БИЛАН БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Буюртмачи : «MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖ. СТИР: 200 697 734
Манзил: Қарши шаҳри, Шайхали кўрғони, Қарши-Косон йўли 8 км, 1-уй

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, И.Каримов кўчаси-212-уйда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Қашқадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори З.Эргашева (аудитор малака сертификати рақами № 05486, Ўз.Рес.МВ томонидан 09.06.2017 й. берилган) томонидан «MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖнинг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2020 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувиغا асосан ушбу молиявий ҳисоботлар юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизининг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Изохлар билан фикр билдириш учун асос.

Жамиятнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатида тузилган молиявий ҳисоботларида муддати ўтган дебеторлик ва кредиторлик қарзлари кўрсатилмаган. Ушбу хатолик молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларининг таъсирини баҳолаш учун ўрилатилган муҳимлилик даражасига таъсир кўрсатмайди.

Изохлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изохлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботларга таъсиридан ташқари, «MINORA QURISH EKSPEDITSIYASI» АЖ нинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари, аудитор :

2021 йил, 3 апрель



З.Эргашева